

Талабалар Мустақил Таълимини Ривожлантиришда Ўқув Ва Ўқув Ахбороти Ўртасидаги Оптимал Муносабатни Таъминлаш

Ж.Юлдашев, катта ўқитувчи
j_yuldashev79@gmail.com

Аннотация: Мазкур илмий мақолада ўқув жараёни илмий асосда ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчи талаба ёшларнинг ўзаро ҳамкорликдаги таълим жараёнига боғлиқ равишда амалга оширилиши мумкин бўлган муносабатлар тўғрисида тўхталиб ўтилган. Жумладан, талабаларнинг мустақил таълимини ривожлантириш учун анъанавий тарздаги ўқитувчининг фаолияти ва барча материалларни тушунтириш билан боғлиқ бўлган дарсларнинг ўрнига уларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган дарсларни амалга ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири эканлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: Ахборот технологияси, мутахассислик, педагогика, психология, кўникма, малака, идрок, таълим, билим, мустақил таълим, фаолият, қобилият.

Обеспечение Оптимального Соотношения Между Обучением И Учебной Информацией При Развитии Самостоятельного Обучения Студентов.

Аннотация: В данной научной статье особое внимание уделяется взаимоотношениям учителя и ученика в организации учебного процесса на научной основе, которые могут быть реализованы в связи с взаимодействием образовательного процесса. В частности, развитие самостоятельного обучения студентов является одним из наиболее актуальных вопросов на сегодняшний день, реализация уроков связана с повышением их активности вместо традиционного стиля преподавания и объяснения всех материалов.


Ключевые слова: Информационные технологии, специализация, педагогика, психология, науки, компетенции, познание, образование, знания, самостоятельное обучение, активность, способности.

Ensuring The Optimal Relationship Between Learning And Learning Information In Developing Students' Independent Learning

Annotation: This scientific article focuses on the relationship between teacher and student in the organization of the educational process on a scientific basis, which can be realized in connection with the interaction of the educational process. In particular, the development of independent learning of students is one of the most pressing issues today, the implementation of lessons related to increasing their activity instead of the traditional style of teaching and explaining all the materials.

Keywords: Information technology, specialization, pedagogy, psychology, skills, competencies, cognition, education, knowledge, independent learning, activity, ability.

Илмий кашфиётларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек ижодий жараённинг педагогик, психологик томонларини аниқлаш, ўқитишда талабаларнинг мустақил таълимини




ривожлантириш услубини ишлаб чиқишдаги асосий йўналишларини аниқлаш имконини берди.

Умуман, ўқув фаолият ва уни амалга ошириш масалалари, талабаларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш ҳозирги кундаги таълим муаммоси ҳисобланади. Бу муаммога бағишланган ва бугунги кунда долзарб аҳамият касб этган яна бир қатор ишларни киритиш мумкин. Мутахассислик доирасида ўқитиладиган ҳар қайси ўқув дарсларида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ўқувчиларнинг амалий кўникма малакаларини шакллантириш мустақил ишларини ташкил этиш дарсни ўзлаштириш учун асосий туртки бўлади. Талабаларнинг мустақил таълимини ривожлантириш мақсадида ижодий жараёни ташкил қилишда муаммони ҳал этиш учун ўқув ва ўқув ахбороти ўртасидаги оптимал муносабатни таъминлаш керак. Ўқув жараёнида замонавий ахборот технологиясини тадбиқ этиш йўллари ишлаб чиқиш зарур.

Талабаларнинг мустақил таълимини ривожлантириш учун поанъанавий тарздаги ўқитувчининг фаолияти ва барча материалларни тушунтириш билан боғлиқ бўлган дарсларнинг ўрнига уларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган дарсларни амалга ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Шу муносабат билан таълим жараёнида талабаларнинг мустақил билим олишларини ривожлантириш, ташкил қилиш, уларни мустақил равишда тегишли ўқув материални излаш, топиш, ўзлаштириш ва бу ўқув материалларга бўлган ижодий муносабатни шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълимини ривожлантириш учун зарур бўлган шароитни ҳал қилиш йўллари бир мунча аниқ белгилаш учун ўқув фаолиятининг ўзига хос бўлган айрим педагогик-психологик томонларини қараб чиқиш керак бўлади. Мустақил ўқув фаолиятнинг характерли белгиси сифатидаги субъектив янгилик талабанинг ўқув фаолиятини бошқариш учун имконият яратади. Бунда талаба учун номаълум ва янгилик бўлган нарсалар ўқитувчи учун маълум бўлиши шарт ва зарур. Ушбу фаолиятни ўқитувчи учун керак бўлган билим соҳасига йўналтириш имконини берувчи усулларни қўллаш талаб қилинади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ бўлган циклик тамойили шуни тоқазо қиладики, ҳозирги даврда олий ўқув юр்தларини чуқур фундаментал тадқиқотлар кенг қамровли юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан уйғунлашган ўқув-илмий мажмуаларига айлантириш вазифаси турибди.

Аксарият олимларнинг фикрига кўра, ушбу вазифани олий ўқув юртининг ҳар бир талабаси илмий изланишларда амалий ва назарий тадқиқотларда, фан ютуқларни амалиётга тадбиқ қилишда ўқитувчилар билан биргаликда фаол иштирок этгандагина ҳал қилиш мумкин. Амалиётдан олинган натижалар ўрганилажак фанларининг ўқитиш функциясини амалга ошириш билан уйғунлашган бўлиши лозим. Ушбу қоида олий мактаб дидактикасида ўқув жараёнини ташкил қилиши жараёнларидан бири сифатида қаралади. Олий ўқув юрти талабаларида мустақил ўқув таълимини ривожлантириш уларни режадаги илмий текшириш ишларида иштирок этишга жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Халқ таълими тизимини қайта қуриш муаммосини ҳал этишда Олий мактаб илмий техника таракқиёти шароитларида билим бериш масалаларини мазкур билимларини мустаҳкамлаш, унга ишлов бериш ва ўзгартириш билан бирлаштириши лозим. Шу боис ҳар қандай таълим шунчаки ишлаб чиқарилган эмас, балки сермахсул ижодий характердаги фаолият деб тушунилмоғи лозим. Бу фаолият, давомида бўлажак мутахассис касбий билимлар ва уларнинг тузилиш усулларини ўзлаштирибгина қолмай, балки ўзи ҳам янги билимлар ва ижтимоий аҳамиятга молик тажрибани яратади. Юқорида айтилганлардан олий ўқув юр்தларининг талабаларида уларнинг мутахассислик доирасида ўқитиб борилаётган ўқув фанини ўрганишда дастлабки мустақил ўқув фаолиятларни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлигидан бевосита келиб чиқади. Мутахассислик фанини ўрганиш талабаларда юқорида қайд этиб ўтилган мустақил таълимини ривожлантириш учун етарлича қулай шароитлар яратади. Талабаларнинг навбатдаги фанларни, масалан, касбий шаклланиш доирасидаги фанларни яхшироқ ўзлаштиришга имкон



яратади ва уларнинг таълимини ўсишига қўмаклашади. Бинобарин, бўлажак педагогларнинг янги шароитларда юзага келувчи масалаларни ҳал қилиш қобилиятлари сезиларли даражада ортади. Олий ўқув юртининг илмий тадқиқот ишларидан хабардор ва фанларни ўқитиш методикасини эгаллаган битирувчилар мактаб, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари ўқувчилари билан ишлаш тизимини яхшилашда фаол иштирок этишлари зарур.

Олий ўқув юрти талабаларининг мустақил таълимини ривожлантириш жараёнида улар эгаллаган билимларидан дидактика масалаларни ҳал этиш йўллариини излашда фойдаланишни ўрганадилар. Талабаларда илгаридан маълум бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштиришгина эмас, балки олий таълим беришнинг вазифаларидан бири бўлмиш янги билим, кўникма ва малакаларнинг тадқиқ этишни такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

Олий таълим дидактикасиининг ўзига хос вазифаси таълим беришнинг шундай ташкил этилдики, бунда талаба амалиётни ўзи эгаллаган билимлар ёки олинadиган илмий натижалар ёрдамида такомиллаштира боради.


Ушбу масалани ҳал этиш учун информатика фанидан мутахассисларни тайёрлашда маълумот бериб, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиш, таълим бериш жараёнларига риоя қилиш ҳамда мавжуд педагогик технологияларнинг янги дидактик имкониятларини ҳисобга олиш керак.

Олий ўқув юрти ўқув режа ва дастурлари, дидактик мажмуалар тўпламига эга бўлиши керакки, бунинг натижасида талабалар ҳамма учун умумий, касбий жиҳатдан аҳамиятли бўлган билим, малака ва маҳоратларни эгаллашлари билан бир қаторда мустақил билим олиш маҳоратини ошира бориши ҳам зарур. Ялписига ўқитиш бирор педагогик таълимни яхшилашнинг асосий йўналиши сифатида қаралади. Уни амалга ошириш олий ўқув юрти талабаларининг реал тадқиқот имкониятлари ва касбий педагогик тайёргаликлари эътиборга олишни талаб қилади. Бунинг учун ўқитувчига кузатиш ва талабаларнинг ўқув фаолиятлари даражаси ҳақидаги зарур маълумотларни олиш имкониятини берувчи самаралироқ воситалардан

фойдаланиш лозим. Ушбу восита янги педагогик ёки ўқитиш технологиялари ҳамда таълим жараёнини компьютерлаштириш кабилар бўлиши мумкин. Олий ўқув юрти талабаларида малака ва кўникмаларни ривожлантириш муаммосини ўқув жараёнини индивидуаллаштириш шартлари бажарилганда ҳал этиш мумкин. Ўқув жараёнида ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш янги педагогик технология орқали ҳамда компьютер воситаларидан кенгрок, фойдаланиш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Аксарият психолог ва педагогларнинг таъкидлашича, талабанинг ички ва ташқи хатти-ҳаракатлари идрок эта олиш малакасида унинг фикри ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам ўқув фаолиятини илмий асосда ташкил этишда ҳар қайси педагог талаба ёшларга нисбатан доимо дўстона муносабатни шакллантиришлари керак, шундагина талабалар таълим жараёнида ўз ички имкониятларини очиб беришга ҳаракат қиладилар. Мазкур фикр индивидуал тадқиқот топшириқларини бажариш давомида аста секин, ўзига хос тарзда ривожлана бориб, сифат жиҳатдан ўзига хос бўлган янгича қирраларга эга бўлади. Одатда психологияда билимларни ўзлаштиришнинг тўрта босқичи кўрсатилади: Идрок этиш; тушиниш; эслаб қолиш; олинган билимларни амалиётнинг турли соҳаларига қўллаш. Билим - бу табиат, жамият ва инсон тўғрисидаги илмий тушунчалар йиғиндиси бўлиб, улар ўқувчи хотирасида ўқитиш жараёнида шаклланади ва мустаҳкамланади. Онгли кўникма мустаҳкам ўзлаштирилган билим ва малака билишнинг усули ва методларига айланади.

Малака билимдан келиб чиқади, унга суянади ва билим асосида шаклланади. Кўникма эса, ҳаракатдаги билим ҳисобланиб, табора билимни чуқурлашиб ва мустаҳкамлашиб боришини талаб этади. Кўникма - шундай ақлий ҳамда жисмоний ҳаракатлар, усуллар ва йўл-йўриқлардан иборатки, булар ёрдами билан маълум мақсадга эришилади ёки айни бир фаолият амалга оширилади. Шундай қилиб кўникма талабалар томонидан олинган билимлар асосидаги онгли амалий фаолияти бўлиб, талабанинг мустақил ўқув меҳнати учун муҳим



хисобланади. Малака-айрим компонентлар, машқлар натижасида автоматлашиб қолган билим кўникмадир.

Малакалар ўқитиш жараёнида талаба фаолиятида катта рол ўйновчи ўзаро алоқаларга асосланади. Шу боис, кўникма ҳосил қилишга мураккаб, интегратив таълим, ижодий хатти-ҳаракатларни шакллантириш ва бажаришнинг мувофиқлигини таъминловчи шахс хислатларининг динамик тизим сифатида қараш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., 1997.
2. Каримов А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т., 1997.
3. Алиқориев Н.С. Социология ва таълим тараққиёти. Таълим муаммолари, илмий услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. – Т., 1998.
4. Гордеева Т.О., Осин Е.Н. Особенности мотивации достижения и учебной мотивации студентов, демонстрирующих разные типы академических достижений (ЕГЭ, победы в олимпиадах, академическая успеваемость) // Психологические исследования: электрон. науч. журн., 2012. - Т. 5. - № 24. - С.4. <http://psystudy.ru/index.php/num/2012v5n24/708-gordeeva24.html>
5. Гордеева Т.О., Сычев О.А. Внутренние источники настойчивости и ее роль в успешности учебной деятельности //Педагогика-психология образования, 2012. - № 1. - С. 33-48.
6. Gofurjonovich Y. J. et al. The Use of " Kbi" Technology on the Topic of Obtaining Electricity on the Basis of Non-Traditional Energy Sources. – 2023.
7. Yuldashev J. R. G. et al. TA'LIM JARAYONINI ILMIIY ASOSDA TASHKIL ETISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI //Oriental Art and Culture. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 550-556.
8. Yuldashev J. G. INFORMATION AND EDUCATIONAL ENVIRONMENT IN THE PROVISION OF ACADEMIC ACTIVITY: AN EXAMPLE OF THE PARADIGM OF THE ENVIRONMENT //Theoretical & Applied Science. – 2021. – №. 5. – С. 150-154.
9. Yuldashev J. G. et al. CAUSES OF DECREASE IN PUMP PERFORMANCE //Theoretical & Applied Science. – 2021. – №. 5. – С. 155-157.
10. Юлдашев Ж. Г. Пути достижения совершенства личности в учебно-образовательном процессе //Science Time. – 2017. – №. 6 (42). – С. 63-66.